

Кечаларда ибодат билан қоим бўлишлик, комил мўъминлик белгисидир

05:00 / 14.01.2017 3745

Кечаларда бедор бўлиб, ибодат қилиб тунни ўтказишлик ислом динида жуда ҳам улуғ амаллардан ҳисобланади. Тарихдан бизга маълумки, барча ўтган улуғ инсонлар, пайғамбарлар бўлсин, саҳобалар, тобеъинлар бўлсин, авлиёлар бўлсин, барчалари кечаларда бедор бўлиб, ибодат билан машғул бўлишган. Бу амал инсон билан Аллоҳ таоло ўртасида қурбат ҳосил қилиб, уни жаннатга киришига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло бандаларини бу ишга тарғиб қилишдан олдин, исломнинг аввалидаёқ Ўз пайғамбарини бунга буюрган.

Аллоҳ таоло айтади:

1. Эй ўраниб ётувчи!
2. Кечани озгинасидан бошқасини (ибодатда) тик туриб ўтказ!
3. Ярмини ёки ундан бир оз қисқароғини.
4. Ёки у(ярим)га яна қўш ва Қуръонни тартил билан тиловат қил.
(Муззаммил, 1-4 оят)

Аллоҳ таоло юқоридаги оятда ўз Расулига кечаларда ибодат ва Қуръон тиловат қилиб қоим бўлишга буюряпти. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Роббисининг буйруғига итоат этдилар ва кечаларда ибодат билан қоим бўлдилар. У зот Роббисига чин ихлос билан, йиғлаган холатда, хушуъ ва хузуъ билан ибодатда давомли бўлдилар.

Аллоҳ таоло яна ўз пайғамбарига хитоб қилиб, шундай деди:

أَدُوْمَحَمَّامَاقَمَكُبَّرَكَتَغَبَبِيْنَأَسَعَكَلَّةَلْفَانَوَبَدَّجَهَتَفَلِيْلِلْمَو

Расулulloҳ Аллоҳ таоло сизни ўтган ва келажакдаги барча гуноҳларингизни мағфират қилган эмасми?”, дейилди. У зот: “Шукр қилувчи банда бўлмайинми?”, дедилар. Бухорий ривояти

Аввалги ва охириги гуноҳлари мағфират қилинган зот, кечаларни шундай ўтказган эканлар, биз ҳам бу зотдан ўрнак олган холда, ўзимизга бу амални лозим тутишимиз керак.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда солиҳ бандаларини сифатлаб шундай дейди:

نُورِفْعَتْسَيِّمٌ رَاحِشَ الْبَابِ وَ (17) نُوْعَجَّهَيِّ امْلِيْلِلْ نَمِ الْيَلِقِ اُوْنَاك

17. Улар кечалари оз ухлар эдилар.

18. Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар. (Заарийаат, 17,18-оятлар)

Улуғ саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу кечаси намоз ўқиб бўлиб, хизматчиларидан: “Эй, Нофеъ, саҳар кирдимиз?”, деб сўрардилар. Агар Нофеъ, ҳа, деса, тонг отгунча дуо ва истиғфор билан машғул бўлар эдилар.

عَسَلِيْلِلْ يَفْنِ «لُوقَي مَلَسَ وَهَيَلَعُ لَلِ اِيْلَصَّ يَنْ لَلِ اْتَعَمَسَ لَاقِرْبِ اَجْ نَع
كَلَدُوْهُ اِيْ اِهْ اَطْعَ اِلْ اِيْ اِيْ نَدَلْ رَمَ نَمِ اَرِيْ خَلَلِ اِلْ اَسَيِّ مَلْسُ مَلْ جَرِ اُهَقْ اُوِيْ اَل
مَلْسُ مَلْ اَوْرِ «ةَلِيْلِلْ لُك

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши айтдилар:

Тунлари ибодатда қоим бўлган кишининг Аллоҳ таолога яқин бандалардан бўлиши ва Аллоҳ таоло уни яхши кўришлиги ҳақида ҳадиси қудсийда ҳам баён қилинган. Аллоҳ таоло шундай дейди: “Банда нафл ибодатлар билан менга яқинлашишда давомли бўлса, мен уни яхши кўраман”.

Демак, инсон тунларда намоз ўқиб, ибодатлар билан машғул бўлса, Роббисининг муҳаббатига сазовор бўлади ва гуноҳларидан мағфур бўлади. Қуръони Каримда шундай дейилган:

كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٤﴾
نَجْزِيكَ أَذِلَّةً لِّكَ ذِ

114. Кечанинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир. (Ҳуд, 114- оят)

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши айтдилар: “Бир киши Набий алайҳиссаломнинг олдига келди ва: “Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам! Мен боғда бир аёл билан бирга бўлдим. Унга зинодан бошқасини қилдим, яъни, уни ўпдим, қучоқладим. Менга хоҳлаганингизни қилинг”, деб айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч нарса демадилар. У киши кетди. Умар розияллоҳу анҳу: “Агар ўзини беркитганида, Аллоҳ уни беркитарди”, дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига орқасидан қараб турдиларда: “Уни менга қайтариб олиб келинглари”, дедилар. Уни Набий алайҳиссаломга қайтариб олиб келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга юқоридаги оятни ўқиб бердилар. Муъоз ибн Жабал: “Эй Расулуллоҳ! бу унинг ўзигами ёки барча инсонларгами? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Балки барча инсонларгадир”, дедилар”. ”

Бу оятнинг маъносини қувватлаган ҳолда ҳадиси шарифда шундай дейилган:

